

**Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига «comply or explain»
(«риоя эт ёки тушунтир») тамойили асосида риоя этилиши тўғрисида
«Ўзбекэкспертиза» АЖнинг 2025 йил учун**

МАЪЛУМОТ

1. Умумий қоидалар

«Ўзбекэкспертиза» АЖ маълум қиладики, акциядорлар умумий йиғилишининг 2016 йил 10 июндаги қарорига (2016 йил 16 июндаги 1-сон Баённома) мувофиқ, жамият 2016 йил 10 июндан бошлаб Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2016 йил 11 февралдаги 02-02/1-187-сон қарори (9-сон Баённома) билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя этиш мажбуриятини олган.

Шу билан бирга, Корпоратив бошқарув кодексининг 5-бандига мувофиқ, Кодекснинг айрим тавсияларига риоя этиш имконияти бўлмаган тақдирда, акциядорлик жамияти халқаро «comply or explain» («риоя эт ёки тушунтир») тамойилига амал қилган ҳолда бундай ҳолат сабабларини батафсил очиб беради.

Айни вақтда, «Ўзбекэкспертиза» АЖда Кодекс тавсиялари айрим истиснолар билан бажарилган.

2. Тавсияларга риоя этилишини баҳолаш натижалари

№	Тавсиялар	Риоя этилган	Риоя этилмаганлик сабаблари
1	Акциядорлар тенг ҳуқуқлилиги	Ҳа	—
2	Ахборотни ошкор этиш	Ҳа	—
3	Рискларни бошқариш тизими	Йўқ	Такомиллаштириш босқичида
4	Ички аудит	Йўқ	Ташкил этилмаган
5	Кузатув кенгаши кўмиталари	Йўқ	Барчаси ташкил этилмаган
6	Мустақил директорлар	Йўқ	Сони чекланган
7	Самарадорликни баҳолаш	Ҳа	KPI жорий этилган
8	Манфаатлар тўқнашуви	Ҳа	—
9	Мукофотлар	Йўқ	Тўлиқ ошкор этилмаган
10	Comply or explain	Йўқ	Илгари ошкор этилмаган

3. Хулоса

«Ўзбекэкспертиза» АЖ умуман олганда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларининг асосий қисмига риоя этади ҳамда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича изчил иш олиб бормоқда.

Жамиятда бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашни таъминловчи асосий самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) тизими жорий этилган.

Шу билан бирга, Жамият рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, ички назорат институтларини ривожлантириш ҳамда ахборотни ошкор этиш даражасини янада оширишни ўз ичига олган корпоратив бошқарувнинг айрим элементларини босқичма-босқич ривожлантириш ишларини давом эттирмоқда.

4. Чора-тадбирлар режаси

- ички аудитни ташкил этиш (2026 йил);
- риск-менежментни ривожлантириш;
- кўмиталарни ташкил этиш;
- ахборотни ошкор этишни яхшилаш.